



Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 90 (9836).

1990 йил
11 май
жума

Баҳоси 3 тийин.

ВИЛОЯТ КАСАБА УЮШМАЛАРИ
КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИДА

«НАВРЎ» БАЙРАМИ ЯКУНЛАРИ

Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгаши президиуми «Наврў» байрамини энг ахши ўтказиш бўйича вилоят кўриги ташкилий таъдиротларини кўриб чиқди.

Байрамни ташкил қилиш ва ўтказишда касаба уюшмалари комитетлари ва ёллар билан ишлаш комитетларининг 320 миң фаоли иштирок этган таъкидланди. Тошкент вилоят ва Ўзбекистон пойтахтидаги 550 меҳнат ва талабалар жамоаларида халқ сэйиллари, ўйинлар, санъат устаслари ва ҳаваскор артистлар ҳамда асхиачиларнинг чиқишлари, полонлар беллашувлари ва от спортини ўйинлари ўтказилди. Байрам тадбирлари, айниқса, Ўзбекистон металлургия ва Тошкент тўқимачилик комбинати, «Тошкент трактор заводи», «Шарк тули», «Электромашинро», Чкалов номи Тошкент авиасаноли ишлаб чиқариш биносалари, Тошкент ноҳиясидаги «Ленин йўли», Коммунистик ноҳиясидаги «Политотдел», Паркент ноҳиясидаги Энгельс номи, Янгйўл ноҳиясидаги «Ленинград», Бекobod ноҳиясидаги В. И. Ленин номи колхозлар саройлари ва клубларида айниқса муваффақиятли ва уюшқоқлик билан ўтди.

Касаба уюшмаси комитетлари меҳнат жамоаларининг қарқиндор ва ақиллар, уруш ва меҳнат ветеранлари, ишлаб чиқариш илгирлари, фан, маданият ҳамда санъат арбоблари билан учрашувларини ташкил қилди.

«Наврў» байрами тадбирлари дўстлик, халқлар бирдмчилиги, ватанпарварлик ҳисси, инсонпарварлик, одамлар ўртасидаги гина-қудуратлар ва жанжалларга берҳам бериш, табиики авайлаш, ен-атрофдагиларга шафқатли ва меҳрибон бўлиш, тинч-тотув ҳаёт кечирishi иштироки каби тушунчаларни ўзиде мужассамлашган халқ урф-одатлари ва анъаналарини энгде таъкиллаштириш имконини берди.

«Наврў» байрамини энг ахши ўтказиш бўйича вилоят кўригининг ташкилий комитет томонидан таъкидланган ақиллар кўригида чиққан, Тошкент вилоят касаба уюшмалари кенгаши президиуми мазкур байрамни тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этгани учун 46 кишини 1990 йилда зорикча сэйиллик сарфлари учун йўланма билан мукофотлади. Шунингдек, 3 кишини 1990 йил номида Болгария Халқ Республикасининг «Хисари санаториусида» деволюши учун иштироки сэйиллик йўланмалари, 4 кишини 1990 йилда мамлакат бўйлаб де олиш сэйиллари ва иштирок этиш учун йўланмалар ажратилди. 34 киши ВДПСнинг «Хаваскорлик санъатиди» ютуқлари учун нишон билан, 149 киши вилоят касаба уюшмалари кенгаши ва вилоят хотин-қизлар кенгаши фахрий ёрликлари билан таъкирландилар.

Бугун XXVII Тошкент шаҳар партия конференцияси иш бошлайди

СЎЗ—ДЕЛЕГАТЛАРГА

108 миңдан энгде коммунистик бирлаштирган шаҳар партия ташкилотлари жумҳуриятимиздаги йирик партия ташкилотларидан ҳисобланади. Пойтахт коммунистлари ўз аниқчилигида ҳисобот деволютида амалга оширилган ишларини батафсил таҳлил қилдилар, йўл қўйилган камчиликлар ҳусусида атрофлича фикр юртадилар. Шунингдек, КПСС Марказий Комитети Харажат дастури, партия Устави лойиҳалари муҳокама этилади, тақлиф ва мулоҳазалар билдирилади, Ўзбекистон Компартияси XXII, КПСС XXVIII съездларини муносиб кўтиб олиш тадбирлари белгилаб олинади.

Конференция арасида муҳиримиз делегатлар билан сўбатлашди.

Ҳабибурра ҚОРАБОВЕ, Тошкент терм-галантерез ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш биносалари партия комитети котиби:

— Партия нуфузи ҳақида сўнгги пайтларда кўп гапирилган бўлиб қолди. Бунинг бонси нимада? Назаримда,

Менимча, ҳозирги босқинда Ҳабибурра ҚОРАБОВЕ, Тошкент терм-галантерез ва спорт буюмлари ишлаб чиқариш биносалари партия комитети котиби:

бошленгич партия ташкилотлари фаолиятига ишлаб чиқаришдаги иқтисодий натижаларга қараб баҳо бераётганимиз оқибати бу. Коммунистлар ишига уларнинг ҳисоботида қараб эмас, халқ орасидаги обрўсига қараб баҳо бермоқ керак. Шунда партиянинг нуфузи ҳам оша боради.

Шавкат ҒАЙЗИЕВ.

«Ташсёльмаш» ишлаб чиқариш биносалари партия ташкилотининг котиби:

— Бизнинг корхонамиз жумҳуриятимиздаги энг йирик сановат корхоналаридан бири ҳисобланади. Коллективимиз ишлаб чиқарётган қишлоқ хўжалик машиналари айни пайтларда турли вилоятларимизда ишлатилмоқда. Лекин мен айрим пайтда маҳсулотларимиз жаҳон стандартлари даражасида ишлаб чиқарилаётганини билмасам қишлоқ хўжалигинида нуқсонсиз ишлаш дег мақтана олмаيمان. Биз ишни қайта кўриш талаблари даражасида олиб боришимиз керак. Бунинг учун конструкторларимиз ҳамда инженер-техник ходимларимиз ижодий ишга жалб қилишимиз керак. Шундагина корхонамиз конвейер-

ларидан юқори сифатли маҳсулот чиқарилади.

Кейинги пайтларда корхонамиз партия ташкилотини ишчи-хизматчилар ўртасида ижтимоий адолат бўлишини қаттиқ назорат остига олган. Чунки, ишчи кун бўйи дастгоҳ олдида ишлаб ўз хизматида яраша ҳақ олиши, шу билан бирга уй-жой ва етарлича озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланган бўлиши керак. Яна бир нерса, у ҳам бўлса, меҳнат интизомига қаттиқ риоя этилишидир. Корхонамиз маъмурияти, партия ташкилотини шу ўринда хоҳ у директор бўлсин, хоҳ оддий ишчи бўлсин, уларнинг ҳар биридан меҳнат интизомига бирдек риоя қилишни талаб этмоқда. Чунки қарда меҳнат интизоми ахши йўлга қўйилган бўлса, уша ерда муваффақият бўлади.

ВАТАН ҲИМОЯСИ—МУҚАДДАС БУРЧ

Вилоят партия комитетиде ёшларни ҳақиқий ҳарбий хизматга чакриш билан боғлиқ масалаларга боғишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда шаҳар ва ноҳия партия комитетларининг мафкура масалалари билан шуғулланувчи котиблари, хотин-қизлар кенгашларининг раислари иштирок этдилар.

Вилоят партия комитетининг котибаси Ш. Н. МАҲМУДОВА йиғиларини ҳарбий хизматга қуштишни ташкил этишда партия комитетлари, хотин-қизлар кенгашлари олдида турган вазифаларга тўхтади.

Вилоят партия комитети давлат ва ҳуқуқ бўлимининг мудири В. И. ЯКОВЛЕВ йиғилганларга қисқача ахборот берди:

— Шунинг таъкидлаш керакики, деди у — мамлакатимиз қурулган кучларининг қисқариши, Совет Армияси аскарларининг саломатлигига бўлган талабнинг ўзгарганлиги тусефий жумҳуриятимизда, шу жумладан вилоятимизда ҳақиқий ҳарбий хизматга чакрилаётганлар сонини бир муна камайди.

Чакрилув пунктларида йиғиларимизни жўнатиш графиклари тайёрланиб, ҳар бир ҳарбий комиссариатга кўриналган жойларга олиб қўйилади. Энди ота-оналар фарзандларини қуштиш учун графикка асосан ўша кунини келиб, бошқа ошора бўлмайди.

Вилоят партия комитети мафкура бўлимининг мудири Т. М. ҚОЗОҚБОВЕ шу муносабат билан оммавий ахборот воситалари олдида турган вазифаларга тўхтади. У ҳарбий қисмларга ҳаёти, аскарларимизнинг ота-оналари дуч келаятган муаммолар ҳақида қўллаб-муштаба сўраб мақолалар бериб боришимиз кераклигини таъкидлади.

Йиғилиш иштирокчилари ўзларини қизқирган кўллаб саволларга жавоб олдилар.

Махсус муҳбиримиз А. НОСИРОВА вилоят партия комитетининг котибаси Ш. Н. МАҲМУДОВАдан ҳарбий хизматга чакришда пайдо бўлаётган муаммоларни қандай қилиб ҳал этиш кўллари ҳақида сўзлаб беришини илтимос қилди.

— Шунинг таъкидлаш зарурки, деди Шехло Насириева, — ҳарбий хизматга чакришни ташкил этиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири бўлиб турибди. Кейинги пайтларда ҳарбий хизматини ўтаётган пайтда жумҳуриятимиздан борган йиғилар билан боғлиқ баъзи нотуш воқеаларини айрим норасмий уюшмалар ўз гаразли мақсадларида таъкид этишга эър бериб уриштириллар. Бошдан оёқ уйдирмалардан иборат бўлган миши-мишлар тарқатишмоқда, ота-оналарнинг норозиликларини тугдиришга уринишлар бўлапти. Ана шу масалалар ақинда вилоят партия комитетиде шаҳар ва ноҳия партия комитетларининг биринчи котиблари, Туркистон ҳарбий округи ва жумҳурият ҳарбий комиссариатининг раҳбарлари иштирокида муҳокама қилинди. Уларга ота-оналарнинг талаб ва истаклари, этирозлари етказилди.

Фикримизда, ҳарбий хизматга чакриш масалалари маҳалларда, меҳнат жамоаларида, ёллар билан бевожоба иш олиб борадиган хотин-қизлар кенгашлари фаолларининг диққат марказида бўлиши керак. Шунинг учун ҳам бугунги йиғилишимизга ана шу кенгашлар раисларини тақлиф қилдик.

Ҳарбий хизматини ўташ билан боғлиқ масалаларга жумҳурият раҳбарияти жуда катта эътибор бермоқда. Бу масала Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясида

Йиғиларимизни ҳарбий хизматга яроқли ёки яроқсизлиги ҳақида ҳулоса чиқарувчи тиббий комиссия ҳақида шунини айтмоқчиман. Биз соғлиқни сақлаш ва зориллигига бу масалада ёрдам беришларини сўраб мурожаат қилдик. Ҳозир вилоят партия комитети таъаббуси билан ташкил этилган шифокорлар гуруҳи тиббий комиссия ишини назорат қилиб боради. Ота-оналар фақат соғлом йиғиларини ҳарбий хизматга чакрилишига амин бўлишлари мумкин.

Йиғиларини армияга қуштиш хотин-қизлар кенгашларининг муҳим вазифаларидан биридир. Аммо очигини тев олиш керакики ҳозиргача бу масалаларда улар фаоллигини сезилмапти. Ана шу оммавий, чинакамга ҳақиқий таъкидланган бизнинг умидимиз катта. Афсуски ҳали ҳам кўпгина шавҳар, ноҳия партия ва иқтисодиёт комитетлари хотин-қизлар кенгашлари ишига ҳеч қандай эътибор бермайдилар. Кенгашларнинг деярли ҳеч қандай вазифалари йўқ. Ноҳия иқтисодиёт комитетлари жамоат ташкилотига ҳалигача ҳона ажратиб бермайдилар. Шу ва бошқа сабабларга кўра ёллар боғча, уй-жой шароитини яхшилаш, ишга жойлаштириш юзасидан ўз кенгашларига камдан-кам мурожаат қилмайдилар. Чунки улардан амалий ёрдам олишларига ишонмайдилар.

Хотин-қизлар кенгашлари ишини чинакамга жонлиштириш учун кенгашнинг «фахрий» раисларидан воз кечиш вақти керак. Бу ишга ҳақиқатан ҳам фаол, кўпчилик хур-

матини қозонган ёлларимизни жалб этиш жуда муҳим. Улар биринчи гада маҳалларда, турар-жойларда иш олиб боришлари керак.

Кунини кеча Калинин ноҳиясида бунинг гувоҳи бўлдим. Ноҳия раҳбарлари таъаббуси билан мақабларда ҳар бир ўқувчиға бериладиган бепул ошқатта сарф-ҳаражати 70 тийинга етказилди. Лекин ёллар билан сўбатлашсангиз, улар бунини билишмайдилар.

Ҳозир биз шаҳар ва ноҳияларда анкета сўровлар ўтказишга тайёргарлик кўрмоқдамиз. Уларда ёлларимизнинг моддий аҳоли, муаммолари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишга қаратилган саволлар бўлади. Бу хотин-қизлар кенгашлари ишини аниқ мақсадга қаратишга имкон беради, деб ўйлаймиз.

Хотин-қизлар фаоллари ҳария мақсадлари учун махсус сўров оинини тақлиф этмоқдалар. Бу кўллаб-қувватлашга арзигулиқ ишдир. Тўпланган маблагдан ҳам таъминланган оналарга ёрдам кўрсатиш, бир марта фойдаланиладиган шприцлар ҳарид қилиш учун фойдаланса бўлади.

Хотин-қизлар кенгашлари айниқса аскарликка чакрувни ташкил этишда катта роль ўйнаши керак деган фикрдаман. Биз шаҳар ва ноҳия партия комитетлари котиблари билан келишиб, йиғиларини Совет Армияси сарфга қуштишни эсда қоладиган маросимга айлантириш чораларини кўрмоқдамиз. Бу тадбирларда хотин-қизлар кенгашлари иштирокига алоҳида эътибор берилади. Улар ёллар ўртасида кенг тушултириш ишлари олиб боришлари керак.

Бир фарзандини тарбиялаб воғега етказиш осон эмас. Ота-оналарнинг ҳарбий хизматга отланган ўғиллари тақдирини, саломатлигини учун ташвишланишлари тушунарлидир. Биз ҳарбий комиссариатлари, қисмлар кўмондонлигини, кенг жамоатчилик шу жумладан хотин-қизлар кенгашлари билан биргаликда меҳрибон оналаримизни ҳарбий хизматга қуштаётган фарзандларидан қўнғиллари тўк бўлиши учун ҳамма ишчи қиламиз.

Тошкент вилоят Ленин комсомолу мукофотлари бериш учун партияийлик ва халқчилик руҳи билан йўрилган, кўпмиллатли совет санъатини ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўша оладиган, ёшларнинг қундалик ҳаёти, йиғил-қизларнинг қайта қуриш режаларини ҳаётига таъбиқ қилишдаги иштироки, маънавий қадриятларини таранум этилишини ўзини ахс еттирувчи жосак бадий, гоғвий етук адабиёт ва санъат асарлари қабул қилинади. Мукофот учун муаллифи ва ижрочиси 35 ёшдан ошмаган ҳамда сўнгги икки йил ичида яратилган асарлар қабул қилинади. Истисно тариқасида, комиссия қарорига кўра, номзод ёши ҳисобга олинмаслиги мумкин.

Асарларини мукофотга ноҳия ва шаҳар комсомол комитетлари, иждоий уюшмалар, маданият органлари, касаба уюшмалари ва иждоий ташкилотлар, газета ва журналлар нашриётлари тавсия этадилар.

Комиссияга тақдим этилган ҳужжатлар ва асарларга тақриз берилмайди ҳамда улар эгаларига қайтарилмайди.

Тошкент вилоят Ленин комсомолу мукофотида тавсия этилаётган материаллар 1990 йил 15 августга қуридаги адресда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 700029, Ўзбекистон кўчаси, 9, Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент вилоят комитети, мафкура бўлими, 11, 12-хоналар. Маълумотлар учун телефонлар: 33-08-69; 33-36-13.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

● ЧЕХИЯ ва СЛОВАКИЯ Федератив Жумҳурияти Президенти Вацлав Гавел, федерал мажлис раиси А. Дубчек ҳамда бош миносир Урбаношари В. Комарек 8 май кунини Олшан қабристонига «абадий уйкуда ётган» совет жангчилари ва офицерлари, шунингдек, иттифоқдош армияларнинг жангчилари қабриларига гулчамбарлар қўйдилар. Галабининг 45 йиллиги муносабати билан Совет элчиюнасида катта қабул маросими ўтказилди. Унда В. Гавел, бошқа расмий кишилар, Совет ва Чехословакия томонидан — ҳарбий саркардалар, дипломатия корпусининг вакиллари иштирок этдилар.

● ФРАНЦИЯ Президентини Ф. Миттеран, бош миносир М. Рокар ва мудофиа миносирини Ж.-П. Шевенман Париж Триумфал аркининг бугасида жойлашган Номаълум жангчи қабрига гулчамбар қўйиш маросимига қатнашдилар. Бу маросим Германия фашизмга устидан қозонилган буюқ Галабининг 45 йиллиги бағишланди.

● БУЮК Британияда ҳам Германия фашизм устидан қозонилган галабининг 45 йиллиги кенг нишонланди. Айнисига, Нормандия оролларида бу воқеага бағишлаб кўп тадбирлар ўтказилди. Ороллардан бири — Олдернинда рус жангчиларининг қўллаб қабрилари бор. Уларда «В. Ковалчук, рус, 1943 йил 17 майда вафот этган», «Д. Деркачов, рус, 1943 йил 28 мартда вафот этган», «В. Крупадезов, рус, 1943 йил 7 июлда вафот этган»... деган сўзларни ўқиш мумкин. Жаҳи — 300 дан ортққабр. Уларнинг қўнчилиги жуда еш — 17—18 ёшларда ҳалок бўлган шахидлар. Оддий одамлар уларнинг қабрларининг ҳаминча зиёрат қилиб турадилар.

● ПОЛЬШАДА ёқили таннислигини кундан-кунга кўпроқ сезилмоқда. Польша жумҳурияти яқинда Европандан 60 миң тонна нефть сотиб олишнинг ҳақида хабар берилди. Бу — СССРдан келтириладиган нефтининг қисқарганлиги билан изоҳланади.

● АЛБания бош миносир Одил Чарчани Ўтган душанба кунини шундай деди: Албания Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик кенгаши қатнашчиларига қўшилиш ниятида. Америка Қўшма Штатлари Албаниянинг бу ниятини, агар у 1975 йилда имзолаган Януловчи акт шартларини бажаришга

рози бўлса, қўллаб-қувватлаянақлигини айтди.

● АФГОНИСТОН жумҳурияти пойтахти яна ракеталардан ўзқа тутилди. Қобул радиоси 8 май кунини ҳақда хабар берди. Натижада олти киши ҳалок бўлди, 13 киши жароҳат олди.

● ФАРАНУНДО Марти номидаги Миллий озодлик фронтини ҳамда миллий яраш комитетининг вакиллари Мексикада қурулсизланиш бўйича музоаараларни яна қайта бошладилар. Уларнинг маисади Сальвадорда тинч ва осийишта ҳаётини барқарор тоштиришдир. Мувокаралар тугагач, ақуний ҳужжатлар Сальвадор ҳукумати тошпирилади.

● НИКАРАГУА контрачиларини қурулсизлантириш бўйича дастлабки қадмалар қўйилди. Мамлакатнинг Чонталес департаментида Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қарашли халқаро кучлар назоратида 84 нафар контрачилар ўз қурул-яроғларини тошпидилар. Бу тақам Нинарагуада ҳаракат қилётган жузуда қуриш кишидан иборат жангчиларнинг жуда оз қисмини ташкил этади.

● МГУЛИСТОН пойтахтида «Ардин ерх» («Халқ ҳуқуқи») деб аталган янги рўзноманинг дастлабки тажриба нусхаси чоп этилди. Мугулистон Халқ Давлатининг марказий наشري бўлган бу рўзнома партия ва давлат органларининг вазифалари алоҳида қилиб белгилаб, чиқа бошлади.

● «Ардин ерх» 1 июндан доимий равишда чоп этилади.

● ЖАНУБИЙ Африка Жумҳурияти ҳукумати снейси маҳбуслар учун афвия эълон қилиш ниятида. Бу ҳақда адлия миносирини Х. Кутсе хабар қилди. Мамлакат парламентига сўзга чиққан миносирнинг гапларига қараганда, бундай қадим озодин ташкилотлари тариқасига кирувчи, ҳозирги тузумга қарши бўлган кишиларнинг ички ихтилофларини ҳал этишда кенг иштирок этишига имконият яратди.

● НИГЕРИЯнинг Чинтабарден шаҳрига дафнган қўзғолончилар ҳужум қилдилар. Хавфсизлик кучлари бу ҳужумни даф этдилар. Қўзғолончилардан 25 нафар киши бўлирди. Қўзғолончилар раҳбарлари Нигерия Президентининг сойқ маслаҳатчиси Муҳаммад Ахмунду ҳамда аралаш норхоналар сойқ миносирини Муҳаммад Абдулахи ҳисба олидилар.

Сел ёққан далаларда



● БУ ЙИЛГИ ёмғирли баҳорнинг деҳқонда келтирган зарари катта бўлди. Қутилмаганда сел, челақлаб қуйган ёмғир айрим ерларда унинг ҳам уйи, ҳам даласини бузди.

9 май кунини қаттиқ ёққан жала ҳам Янгйўл ноҳиясидаги хўжаликларга кўп ташвиш олиб келди. Биргина «Коммунизм» колхозини ислоҳида оладиган бўлсан, пахтазорлар 520 гектар ерга қадалган чичтининг 340 гектарини қайтадан энкиб чиқишга мажбурдилар. Лекин бўлган иш бўлиб, бўёғи синди. Эндиги вазифа унинг оқибатларини йўқотишдир. Хўжаликда ҳозир ана шу юмушни урдалашга астойдил киришилган: ариқ-зовурлар шох-шабба, балчиқдан тозаланапти, уруғлик чичит, ер экпш учун тайёрламоқда.

Суратларда: «Коммунизм» жамоа хўжалигида даладан сув чиқаришмоқда; «Партия XXI съезди» жамоа хўжалиги далаларининг кўриниши.

Сураткаш Р. ГАЛИЕВ.

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР



Source: <http://www.fishbase.org>. Downloaded on 10/10/2015 11:00:00 AM. All rights reserved. No part of this publication may be reproduced, stored in a retrieval system, or transmitted, in any form or by any means, electronic, mechanical, photocopying, recording, or by any information storage or retrieval system, without prior written permission from Cambridge University Press.

Р. ШАРИПОВ,
Тошкент халқ хўжалиги
институтини доценти, тарих
фанлари номзоди.

Т. ДУСМАТОВ.

КАЛИНИН НОҲИЯСИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЙИГИТЛАРНИ СОВЕТ
АРМИЯСИ САФИГА ТАНТАНАЛИ КУЗАТДИЛАР.

Оқибатли бўлайлик. Уруш ва меҳнат ветеранларини Афғонистонда хизмат қилган жангчиларини ҳурматлайлик. Оқибатли бўлган юртда ҳеч қачон кўнгилсизликлар бўлмайди. Бизни қўриқлашга кетаётган фарзандларимизга оқ йўл тилаям. Уларнинг оналари миш-мишларга берилмасинлар.

Ҳаёлим юлдуздек учар сарсари,
Уғлим мактубингни этмагил қанда
Йўқса йўлга чиққум, тонгда сен сари,
На чора, оналар — она эканда!



3. ЖУРАЕВА.

● **ЖАНГЛАРДА** ҳақ-доғ бўлган юрtdошлар номиин абадиdлаштириш, уларнинг ёркин хотираси олдидд таъзим қилиш ҳоэирин авлод учун ҳам қара, ҳам фарз ҳисобланади.

Тошкент ноҳиясининг «Ўзбекистон 50 йилигич» колхозинда урушда шахид кетган отабува, ога-нин, ёру-бодарлар хотирасига бағишлаб монументал ёдгорлик ўрнатилди.

«Савоботи» маҳалласи марказидаги бу ҳайка колхоз ҳисобидан, жамоя ҳўжалиг меҳнаткашларининг уюштиган хашарлари ёрдамида бунёд бўлди.

● **СУРАТДА:** Урушда меҳнат ветерандарини набиаралар билан ёдгорлик пойига гуллар келтирдилар.

Т. КАРИМОВ сурат

Туйгул БИЛОЛОВА,
Чинноз ноҳияси С. Ра-
химов номи колхоз. Омонтаил.
Тюмени

БИЛОЛОВ, Низом ЭМИНОВ,
илляти, ефрейтор.

• Буюк Ғалабанинг 45 йиллиги • МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИГА ЁДГОРЛИК

Тошкент ноҳиясидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхоз чегарасида жойлашган катта сайхон тепалик бу кун ўзгача жозоба касб этди. Эрта тонгдан оқ узоқ-қиндан отахонлар-у онахонлар ана шу ерга кела бошладилар. Улар Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, уруш ва меҳнат ветерани, узоқ йиллар шу колхозга раҳбарлик қилиб келган Турғун ота Мирзаев номини абадийлаштириш тантанасига бағишланган митингга йиғилишадиган эди. Соат 12.00. Барча йиғилганларнинг нигоҳи оқ чойшабга ўраб қўйилган ёдгорликка қаратилган.

Фидойи инсонни таниган, билган, бирга ишлаган одамлар бирик-кетин сўзга чиқиб Т. Мирзаев ҳақидаги хотиралардан ҳикоя қилиб беришди:

— Бугун Турғун отани хотирлашга бағишлаб очилаётган ёдгорлик керамиди, деган савол туғилиши мумкин. Биз бу ёш авлод учун, уларнинг тарбияси учун жуда ҳам зарур иш, деймиз. Негаки, ҳар қимнинг халқига, юртига бе-миннат, ҳалол хизмати сира ҳам зое кетмаслигини ёшлар билишиш! Турғун отанинг номи мана бу қишлоқнинг бугунги кунга, кўрамчилиги, гузал чойхоналар-у клублари билан ҳаминча ҳамқишлоқлари ёнда бир умр ўчмас хотира бўлиб қолади.

— Мен у киши билан деярли эллик йил бирга ишлаганман, — деди жумҳурият уруш ва меҳнат ветерани кенгаши президиумининг аъзоси Ориф Алимов. — Менинг биргина тилагим ёшлар Т. Мирзаевдек халққа, юртга содиқ, одамхон, дилкаш инсон бўлиб юзга етсинлар.

«Ленин йўли» колхоз раиси Сиддиқжон Муҳаммаджонов: — Колхозга раис бўлиб сайланган кунимок у одамнинг олдига келиб оқ фотиха олганман. Турғун ака жамова ҳўжалигини қандай бошқариш ҳақида қимматли маслаҳатлар берган эдилар. Мана, 38 йилдан бери отанинг дуоларини олиб, кам бўлмай келяпмиз. Бир кун келсам тиниб-тинчимас ота мана шу тепаликни бульдозерларда сурдириб, катта ишни бошлаб ўтирган эканлар. Сўрасам бу ерни мазор, узумзор қиламиз, дедилар. Биз ҳам у кишининг ғайратига чинакам ҳавас қилиб, шу одамнинг изидан бориб, ўзимизнинг боғимизни яратдик. Ҳозир у жуда серхосил.

Табриқ навабати 73-мактаб ўқувчиларига берилди. Улар барча йиғилган боболари, бу-виларини Ғалаба байрами билан қўлаб отани улуг'овчи шеърларни ёддан ўқиди.

Отанинг катта фарзанди Султон Турғунов онла аъзолари номидан миннатдорчилик билдирди. Меҳмонлар — уруш ва меҳнат ветеранлари ёдгорлигини тантанали равишда очилди.

Т. Мирзаевнинг колхоз ҳаё-



тига бағишлаб магнитофон лентасига ёзиб олинган сўз-бати йиғилганларга эшиттирилди.

Тантана иштирокчилари ҳайкал пойига гулдастлар тўшаб, меҳнат қаҳрамони хотирасини ёдга олиб бир дақиқа сукут сақладилар.

М. МИРАЛИЕВ, Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. Мирзаевга ўрнатилган ёдгорлик.

М. НАЗАРОВ суратга олган.

ТҮЙТЕПАДА ТАНТАНА

Куни кеча Тўйтепада Ғалаба байрамига бағишланган тантана бўлиб ўтди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларини Ўрта Чирчиқ ноҳия партия кўмитасининг биринчи котиби М. Икромов табриқлади. Сўнгра уруш ва меҳнат ветеранлари у фарзандини аскарликка жўнатаётган она сиймоси тасвирланган ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйишди.

Ноҳияда икки ярим минга яқин Улуғ Ватан уруши, 450 нафар Афғонистондаги уруш қатнашчилари бор. Уларга эътиборни ошириш, моддий ва маънавий ёрдамни яхшилаш мақсадида кўпгина ишлар амалга оширилмоқда.

Видеот ва ноҳия матлубот жамиятларининг қурилиш ташкилотлари биргаликда бунёд этган «Оқсоқол» чойхона-дўконининг очилиш маросими ҳам шу кунга тўғри келгани қувонарлиқдир. Чойхона-дўконда 160 минг сўмлик қурилиш ишлари ба-жарилиб, жуда қисқа муддатда — икки ой давомида қуриб битказилди.

Шу кун байрам иштирокчилари Тошкент денгиз буйидаги Тулбўғиз посёлкаси боғида оммавий сайл ўтказилди. Шунингдек ветеранларга совғалар топширилди.

Ш. РУСТАМОВ.

СУРАТЛАРДА: ноҳия уруш ва меҳнат ветеранларига қурилган чойхона-дўкон. Байрам тантаналари.

А. ЗУФАРОВ суратлари.

БАЙРАМ ШАРАФИГА

Ўзбекистон ССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида Совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозongan Ғалабасининг 45 йиллигига бағишланган

кўргазма очилди. Намойиш этилаётган материаллар асосан Ўзбек халқи йигит-қизларининг Улуғ Ватан уруши йилларида босиб ўтган жан-

говар йўллари ҳақида ҳикоя қилади.

Кўргазмадан Совет Иттифоқи Қаҳрамонларининг фотосуратлари ҳам ўрин олган. Фотохўжатлар, жанг манзараси тасвирланган суратлар томошабин диққати-

ни жалб этиши билан бирга оловли йиллар хотирасини ёдга олишга ундайди.

Кўргазмадан, шунингдек, бугунги кун ҳарбий хизмат жараёни хусусидаги айрим маълумотларга ҳам ўрин берилган.

Д. ҚАЖОМОВ.

собида 10 тадан очко бор. «Пактакор» тўплав нисбатини тенглаб олди. (13—13) Очкоси эса 9 та. Турнир жадавалида еттинчи ўринда.

У. ШАРОПОВ.

БИЛДИРИШ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ» редакцияси ҳузуридаги илчи-мухбирлар университетининг навбатдаги машғулотли 11 май куни бўлади.

Мухаррир ўринбосари

С. Ғ. МУСАЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОВИДА

11 МАЙ КҮНИ СОАТ 20.00 ДА

12—13 МАЙ КҮНЛАРИ СОАТ 17.00 ВА 20.00 ДА

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕУ МАРКАЗИНИ

КОМИТЕТИНИНГ «ЕШЛАР УНИ»

СИЗ, АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАРИМИЗ ВА

ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИНИ

СОВЕТ-ҲИНД ДУСТЛИГИ ДОИРАСИДАГИ

ДУСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

КАТТА КОНЦЕРТИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР
Эътиборингизга «Қамолот-89» жумҳурият кўрғи то-либ, ҳушовоз хонаяда Муҳриддин ХОЛИҚОВ раҳбарли-гидаги «Нихол», шунингдек фестивал ва ойнаи жаҳон орқали таниш бўлган О. К. ШАРМА раҳбарлигидаги «Мах» ансамбллари биргаликдаги программаларини тақ-дим қиладилар.

Ўйлаيمизки, бу томошалар сизга албатта маънўл бў-лади.

Билетлар СССР Халқлари дўстлиги саройи кассаларида соат 11.00 дан бошлаб сотилмоқда. Кўпчилик бўлиб келиш учун аризалар қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефонлар: 45-93-63.

Ўзбекистон ССР Савдо вазирлиги

РЕСПУБЛИКА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти барча йўналишдаги озиқ-овқат, саноат товарлари бўйича юқори малакали контролёр-кассир ва сотувчилар тайёрлайди. Бу гуруҳларга 25 ёшга бўлган ўрта маълумотлилар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8,5 ой.

Ўқишга республикамиз шаҳарларида яшовчилар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қиради.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъмин-ланади.

Ўқиш ўЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИ-лади.

Ҳамма фанлардан аъло баҳоларга эга бўлган, бити-риш имтиҳонларини муваффақиятли топширган ўқувчи-лар пелсовет қарорига кўра, ўқишни битириб бўлгач Тошкент совет савдо техникумига кириш имтиҳонлари-сиз қабул қилинади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш практикаси Тошкент шаҳрининг Бош универсал магазинида ва универсаллар-да олиб борилади.

Ўқишга кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топшира-дилар: директор номига ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат (асли), турар жойидан справка, таржиман ҳоли, 086/У формадаги медицина справкиси, 3х4 см. каттали-даги 6 дона фотосурат, характеристика, шаҳар савдо идораси ва област савдо бошқармасининг йўлнамаси.

Ўқишга қабул қилинганларга ҳар ойда 32 сўм стипен-дия берилади.

Ота-онасиз ва етим қолган ўқувчиларга ҳамда Улуғ Ватан уруши I ва II даражали ноғиронларининг фарзанд-ларига ҳар ойда 41 сўм стипендия тўланади.

Республика ҳунар-техника билим юртининг адреси: 700173, Тошкент шаҳри, А. Икромов райони, Бобур кў-часи, 3-уй (13, 70, 116-а автобуслар билан «Чўпон-ота», 4 ва 9 трамвайлар билан «Тез ёрдам медицина клиника-си» бекатларигача борилади). Телефонлар: 75-35-86, 75-35-92.

ФОТОАППАРАТ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Мабодо инсон тафаккури фотоаппаратни ихтиро, этмаганда борми, қанчадан-қанча бетакрор ажиб лаҳзалар хотирамиз саҳифаларидан ўчиб кетган бўларди!

Модомки йиллик меҳнат истироҳатига отлана-ётган экансиз, фотокамерани бирга ола кетиш эси-гиздан чиқмасин. Бошловчи фотоҳаваскорларга оддийгина ва қулай ишлайдиган «СМЕНА-СИМ-ВОЛ» ёки «ЛОМО-КОМПАКТ» аппаратларини тавсия этиш мумкин.

«СМЕНА-СИМВОЛ» — экспозиция ўлчамлари ва тиссоллар бўйича суратга олиш масофасини ўрнатиб жўнлаштирилган кичик ҳажмли шкалали фотоаппаратдир.

Объективнинг юқори ечим хусусияти янада кат-талаштирилиши мумкин бўлган негатив ва диапо-зитивларни олиш имконини беради. Фотоаппарат-нинг тузилишида чақновчи-чироқ билан кабелсиз улашиш кўзда тутилган. Катталаштирилиши 0,6 га тенг суриладиган кузатгичи оддийгина бўлиб, кадрлар сони автоматик равишда саналади.

«ЛОМО-КОМПАКТ» фотоаппаратининг асосий хислати — ихчамлигидадир. Объективи — анчаги-на юқори ечим хусусиятига эга. Кузатгич сурила-диган. Фотоплёнканинг зарур сезгирлик даражаси-да фотоаппарат автомат равишда экспозицияни ишлаб чиқади.

Баҳоси — 75 сўм.

«КИЕВ» маркали фотоаппаратлар аъло сифат-ли оптикиси ва механикаси билан долг таратган. Бу фотоаппаратлар анча «қўли келишиб қолган» ҳаваскорларга боп.

«КИЕВ-60 ТТЛ» экспонетри пентапризма ичига ўрнатилган ўртача катталидаги фотоаппа-рат бўлиб, эни 60 мм, перфорацияланмаган фото-плёнка билан тўлдирилади. Бу камеранинг «МС ВОЛНА-3» объективи кўпқатламли ёритиш хосса-сига эга.

Объективи байонет билан мустаҳкамланади. Ал-

«Союзреклама» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДУСТЛИГИ САРОВИДА

17, 18, 19, 20 МАЙ КҮНЛАРИ СОАТ 20.00 ДА

«МУШТУМ» ЖУРНАЛИ

ЎЗБЕКИСТОН ЛКЕУ МАРКАЗИНИ

КОМИТЕТИНИНГ «ЕШЛАР УНИ»

ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ФОНДИ, ЎЗБЕКИСТОН

ТЕЛЕВИДЕНИЕ ВА РАДИОЭШТИТИРИШ

ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Утган йили қизқичлар беллашувини томоша қилиб дармон топганлар, паттасиз қўлиб армон топганлар ва барча-барчангизни

«ҚИЗИҚЧИ-90»

АНЪАНАВИЙ ЖУМҲУРИЯТ БЕЛЛАШУВИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИЛАР

Яна бир мазза қиладиган жиҳати шуки, бу беллашув кулги дарғаси, ажойиб инсон, Ўзбекистон ССР халқ ар-тисти

Сойиб ХУҲАЕВ

ТАВАЛЛУДИНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

БАҒИШЛАНАДИ

Билетлар Сарей кассаларида соат 11.00 дан бошлаб

сотилмоқда.

Кўпчилик бўлиб келсангиз ҳам, баҳоли қудрат кутиб

олангиз.

Телефонлар: 45-93-63; 41-45-20.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги
ТОШКЕНТ «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ҚОШИДАГИ
48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990—1991 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи 9-11-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар қўйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилинади: хотин-қизлар, болалар ва арка-лар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-моторист-ка.

9-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул иссиқ овқат, кийим-бош билан таъ-минланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва

эгаллаган касблари ҳақида диплом оладилар.

11-синфини битирган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорда стипендия оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикасини ўташ

даврида ишлаб топган меҳнат ҳақларининг 50 фоизини

оладилар.

Ўқиш даври ўЗЛУКСИЗ МЕҲНАТ СТАЖИГА Қў-ШИШ ҲИСОБЛАНАДИ.

Битирувчи курс аълочи ўқувчиларининг 10 фоизига

Ўқишга кириш учун йўлланма берилади.

Ўқувчилар И. Ганди номи маданият саройидан

кеч фойдаланадилар. У ерда ҳар хил тўгаранлар, спорт

секциялари, каратэ ва диско клублар мавжуддир.

Ўқувчилар корхона территориясига жойлашган ман-ший ва медицина хизматидан, соат ва оёқ кийим устахо-насида, сартарошхона, кийим-кечак ва озиқ-овқат мага-зинидан, профилакторийдан фойдаланадилар.

Билим юртида ўқувчилар бадний ҳаваскорлик тўгара-ги, «Модалар театри» тўгараги, шунингдек, спорт секция-ларида иштирок этишлари мумкин.

Каникул даврида ўқувчилар Совет Иттифоқи шаҳарла-рига, дам олиш базаларига, бепул туристик путёвклар би-лан тақдирланадилар.

Ўқишга кирувчилар қўйидаги ҳужжатларни топши-ришлари лозим: билим юрти директори номига ариза,

маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойидан, ота-онасининг иш жойидан ва медицина справкалари, 3х4 см.

ҳажмидаги 4 дона фотосурат.

Тузилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шах-сан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чкалов

кўчаси, 5-а уй (1, 2, 5, 24, 26-трамвайлар, 1, 5, 8, 10,

17-троллейбуслар, 2, 3, 25, 60а, 71, 80а-автобусларнинг

«Қизил тонг» ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

машинувчи объективлардан фойдаланиш ҳам мум-кин. Нур равшанлиги — микрорастр, жилосиз юза бўйича белгиланади.

Уйғунлаштирувчи қурилма импульсли чақновчи чироқ ёрдамида суратга тушириш имконини бера-ди. Видержка диапозони — 1/1000—1/2 с «В» (қўлда).

«КИЕВ-88 ТТЛ» фотоаппарати билан бир йўла иккита плёнкага сурат олиш мумкин, чунки у ал-маштириладиган иккита кассета билан таъмин-ланган. Бу ярим автомат камера ичига ўрнатилган призмали тузатгичи туфайли ишлатишда жуда қу-лайдир.

«КИЕВ-88 ТТЛ» ҳаваскорлар учун ҳам, уста су-раткашлар учун ҳам тўғри келаверади.



«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА-ТИЖОРАТ

ТАШКИЛОТИ.

ЎТГАН КҮНИ

«Пактакор» биринчилигининг сақийинчи тур ўйинини ўз майдонига Ростов-Доннинг «Ростсельмаш» командаси би-лаш ўтказди ва 2:1 ҳисобида устун келди. Лекин ошкор ай-тиш керакин бу ғалаба ста-дiongа тўпланган мухлислар-ни қувонтирмади. Майдон эга-лари жуда бўш ўйнадилар. Ҳимоячилар ҳам, ҳужумчилар ҳам кўплаб хатоларга йўл қўй-дилар. Команданинг қандай нафас олишдан хабардор

бўлган, деярли ҳар кун му-лоқотда бўлиб туришадиган «Пактакор» стадион ходи-млари Обид Мирзаев ва Олими Ориповлар билан учрашув да-вомида фикр алмашар экан-ман мазбонлар керагидан ор-тиқча ҳаракат қилиб беҳуда ўринишлари, яъни тўпни бир-бирларига ноаниқ узатиб ра-қибларга бериб қўйишларидан ранжидик.

Шу турнинг бошқа ўйинла-рида қўйидаги натижалар қайд этилди: «Тирас» — «Таврия» —

0:0, «Кайрат» — «Динамо» (С) — 4:1, «Локомотив» (М) — «Факел» — 2:0, «Кузбасс» — «Локомотив» (Г) — 0:0, «Геолог» — «Металлург» — 0:0, «Шинник» — «Нистру» — 4:1, «Спартак» — «Нефтьч» — 4:0, «Котайк» — «Зенит» — 0:0.

Секкинз турдан сўнг 11 тадан очко тўплаган «Металлург» ва «Шинник» командалари пеш-қадамлик қилмоқда. «Геолог» ва «Кайрат» командалари ҳи-

